*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2013 йил 22 август, пайшанба, 34 (510)-сон

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган.
e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com.
web sayt: www.21asr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI




## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

# Истиқлол берган имкониятлар







ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИМИЗНИНГ **22 ЙИЛЛИК ТАНТАНАЛАРИ АРАФАСИДА** O`ZLIDEP МУСТАҚИЛЛИК БУ, ЭНГ АВВАЛО, ҲУҚУҚ ЭКАНИНИ, ХАЛҚИМИЗ ЎТГАН ЙИЛЛАРДА ТУРЛИ СИНОВ ВА ҚИЙИНЧИЛИКЛАРГА ҚАРАМАЙ, ЎЗИНИНГ МУСТАҲКАМ ИРОДАСИ, ҚАТЪИЯТИ ВА МАТОНАТИ БИЛАНГИНА БУГУНГИ ДОРИЛОМОН КУНЛАРГА ЕТИБ КЕЛГАНИ, ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗИГА ХОС ВА ЎЗИГА МОС ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ ДУНЁ МИҚЁСИДА БЕЖИЗ ЭЪТИРОФ ЭТИЛМАЁТГАНИ, **«ИСЛОҲОТ ИСЛОҲОТ УЧУН ЭМАС, АВВАЛО ИНСОН УЧУН»** ДЕГАН ДАЪВАТ ХАЛҚИМИЗНИ ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ ЙЎЛИДА САФАРБАР ЭТГАНИНИ БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗ, АЙНИҚСА, ЁШЛАРГА ЕТКАЗИШ МАҚСАДИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗМОҚДА

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ташкил этилаётган туркум анжуманлар таҳлили ҳамда ислоҳотларнинг бугунги босқичида партия олдида турган энг долзарб масалаларга бағишланган навбатдаги сайёр йиғилиши Нукус шаҳрида бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенати аъзолари, парламент қуйи палатаси депутатлари, давлатимизнинг юксак орден ва медаллари билан тақдирланган, эл орасида катта обрў ва эътибор топган тадбиркор ва фермерлар, кўзларида нур, қалбида эса ташаббус ва интилишлар қайнаётган янги авлод вакиллари иштирок этган мажлисда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йилларида қабул қилинган фармон ва қарорлар, айниқса, «ўзбек модели»нинг мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танлаб олингани бугунги беқиёс натижалар учун асос бўлгани алоҳида таъкидланди.

Ҳа, чиндан ҳам ниҳоятда қалтис, кескин ижтимоий муаммолар гирдобида қолган мамлакатда қисқа даврда барқарор иқтисодиёт, фаровон турмуш ва энг муҳими, фуқароларда эртанги кунга мустаҳкам ишонч пайдо бўлишига эришилди. Кучсиз давлат тизими даврида рўй берган талотўплар, беқарорлик, иқтисодиётдаги кескин ўзгаришлар ўрнини кучли давлат тизими эгаллади. Айни пайтда эса Ўзбекистон кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари дадил одимламоқда.

2 ►►

## Бунёдкорлик

# Андижонга бир келинг, Андижонга!

БУГУН ВАТАНИМИЗНИНГ ҚАЙ ГЎШАСИДА БЎЛМАНГ, АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИДАН КЎЗИНГИЗ ҚУВНАБ, ШУНДАЙ ДОРИЛОМОН ҲАЁТНИ ТУҲФА ЭТГАН МУСТАҚИЛЛИККА ШУКРОНАЛАР КЕЛТИРИШИНГИЗ ШУБҲАСИЗ. 2 МИЛЛИОН 772 МИНГ АҲОЛИСИ БЎЛГАН АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ҲАМ ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА БАРЧА ТАРМОҚЛАРДА ЮҚОРИ НАТИЖАЛАР ҚЎЛГА КИРИТИЛАЯПТИ




— Бу аввало юртимизда тинчликнинг барқарор экани, давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсат юритаётгани, ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганининг самараси, албатта, — дейди вилоят ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов. — 2013 йилнинг 18 январидаги ҳукумат йиғилишида муҳтарам Президентимиз томонидан жорий йил учун белгилаб берилган энг муҳим устувор вазифалар ҳамда дастурларнинг сўзсиз бажарилиши туфайли вилоятимизда юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришилаяпти.

Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг комплекс дастурларида кўзда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ярим йилликда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2 трлн. 912 млрд. сўмга тенг бўлди.

3 ►►

## «ЮРТИМИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН»,

— дейди 120 ёшни қаршилаган фарғоналик Хайрихон момо

**— Болалигим далада ўтган. У пайтдаги шароитлар билан бугунги кундаги имкониятлар орасида ер билан осмонча фарқ бор, десам чинимни айтган бўламан. Турмуш ўртоғим — Мулламамажон ҳам умри меҳнатда ўтган, ишдан қочмайдиган инсон эди. Саккиз фарзандни тарбиялашда у киши билан доимо ҳамжиҳат эдик. Тақдир экан, умр йўлдошим 1941 йилда урушга кетиб, 1945 йилнинг баҳорида Берлин остонасида ҳалок бўлган. Яратганга шукрки, бугун фарзандларим, невараларим, чевараларимнинг ҳаммаси тинч-осуда ҳаёт кечиришаяпти. Барчамиз биз учун яратилаётган ғамхўрликлардан фойдаланиб, ҳаёт завқини сураяпмиз. Яқин кунларда мустақиллигимизнинг 22 йиллиги кенг нишонланади. Биз, кексалар бундай кунларда қўлимизни дуога очиб, элимиз фаровонлиги, Ватанимиз ободлигини тилаймиз. Юртбошимиз доимо омон бўлсин, осуда-тинч ҳаётимизга кўз тегмасин, дея ният қиламиз.**

**«Нуроний» жамғармаси туман бўлинмаси раиси Ҳотамжон Иброҳимовнинг таъкидлашича, 82 невара, 119 чевара, 11 эвара даврасида қарилик гаштини сураётган олтиариқлик момонинг тўнғич ўғли — Латифжон ота бу йил 98 ёшни қаршилайди.**

**— Ҳаёт машаққатларида тобланган, яхши-ёмон кунларга гувоҳ бўлган, уч асрни кўрган бундай кексаларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, — дейди жамғарма раиси. — Айни чоғда туманимизда 100 ёшдан ошган 29 нафар онахон ва отахон бор. Ҳар бир байрам, шонли саналар арафасида улар ҳолидан хабар олиб, муаммоларини ҳал этишга ҳаракат қиламиз. Зеро уларни ҳар қанча эъзозлаб, ардоқласак шунча кам.**

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

# Аёллик бахти

БУГУНГИ ЎЗБЕК АЁЛИ РЎЙ БЕРАЁТГАН ВОҚЕА-ҲОДИСАЛАР, АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР, ВАТАН ВА МИЛЛАТ ТАҚДИРИ ҲАМДА ҲАЁТИЙ МУАММОЛАРГА НИСБАТАН ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИГА ЭГА ЭКАНИ ЖАМИЯТНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИДА АЁЛЛАР ЎРНИНИНГ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу баракот киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир».

Шу ўринда Ўзбекистонда истиқлол йилларида хотин-қизлар масаласига давлат сиёсати даражасида аҳамият берилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Натижада аҳолининг ярмидан кўпини ташкил этувчи хотин-қизлар ислоҳотларнинг фаол иштирокчиларига айландилар.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли экани белгилаб қўйилган. Шунга асосланиб, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш жараёнига хотин-қизлар кенг жалб этилиб, уларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза этишни кучайтириш, шунингдек, вазирликлар, идоралар, ҳудудий бошқарув органлари ва жамоат ташкилотларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Президентимиз томонидан 1995 йилнинг 2 мартида «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

2 ►►

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида

**22 АВГУСТ КУНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЧИЛАДИ**

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ишчи гуруҳ раҳбарининг бўлажак ялпи мажлисни ўтказишга тайёргарлик тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Сенат қўмиталарининг раислари қўмиталарнинг мажлислари ўтказилганлиги тўғрисида ва ўн иккинчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар юзасидан хулосалар, бошқа масалалар юзасидан қарорлар лойиҳалари тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Кенгаш мажлисида таъкидланганидек, Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида 8 та масала, шу жумладан, 4 та қонун кўриб чиқилиши мўлжалланмоқда.

Кенгаш аъзолари Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ҳамда либераллаштириш, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Булар «Гаров реестри тўғрисида»ги, «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги, «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларидир.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**



## Бахтиёр авлод вакилиман

3 ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШЛАРИ



## Партиявий лойиҳалар ҳам аёллар учун

6 ЖАРАЁН

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 20 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ▲ 1952,48 | 1 АҚШ доллари | ▲ 2119,73 | 1 Хитой юани | ▲ 346,46 | 1 Туркия лираси | ▼ 1092,03 | 10 Япония иенаси | ▼ 217,25 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▲ 3311,23 | 1 Миср фунти | ▲ 303,30 | 1 Малайзия ринггити | ▼ 645,77 | 1 Швейцария франки | ▼ 2287,40 | 1 Россия рубли | ▼ 64,35 |
| 1 Дания кронаси | ▲ 378,88 | 1 Исландия кронаси | ▲ 17,67 | 1 Польша злотийси | ▼ 667,61 | 1 ЕВРО | ▲ 2822,93 | 1 Украина гривнаси | ▲ 264,65 |
| 1 БАА дирҳами | ▲ 577,13 | 1 Канада доллари | ▼ 2052,21 | 1 СДР | ▲ 3226,23 | 10 Жанубий Корея вони | ▲ 19,01 | | |

# Истиқлол берган имкониятлар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Ўз мухбиримиз**



O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадюсуф Тешабоев тадбирда истиқлол берган имкониятлар кеча ва бугунги кун ўртасидаги тафовутни қиёслаш имконини бераётганига алоҳида эътибор қаратди. Зеро тикланган бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, миллий урф-одатларимиз том маънода ўтган 22 йилни маънавий юксалиш йиллари, деб аташ имконини бераяпти. Энг асосийси эса ана шундай имкониятлар туфайли мамлакатда мулкдорлар қатлами пайдо бўлди. Айни пайтда ана шу синф мамлакатдаги тинчлик ва барқарорликдан энг кўп манфаатдор қатлам сифатида ижтимоий-иқтисодий ҳаётда, фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим роль ўйнамоқда. Қишлоқларга саноатни олиб кираётган, минг-минглаб иш ўрни яратаётган фермерлик ҳаракати эса ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий кучга айланди.

Бир сўз билан айтганда, бошқа ҳудудларда бўлгани каби Қорақалпоғистонда ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш, аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик учун зарур бизнес муҳитини шакллантириш борасида ўтган даврда изчил ишлар амалга оширилди. Ҳудудда саноат, қурилиш соҳасида улкан натижалар қўлга киритилаяпти. Хизмат кўрсатиш тизими ривожланмоқда. Буни 2013 йилнинг олти ойида эришилган муваффақиятларда ҳам кўриш мумкин.

Мутахассисларнинг маълум қилишларича, Қорақалпоғистон Республикасида жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот 11,1 фоиз, саноат маҳсулоти — 12,1, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш — 19,5, капитал қурилиш ҳажми — 10,2, хизматлар соҳаси эса 11,4 фоизга ўсган.

Ана шу даврда 916 миллиард 486 миллион сўмлик инвестициялар ўзлаштирилгани эса алоҳида таъкидланаяпти. 2013-2015 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига биноан қиймати 387,2 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 3225 та лойиҳа амалга оширилиб, 13 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган эди. 6 ой давомида умумий қиймати 28,4 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган 741 та лойиҳа амалга оширилиб, 2718 та иш ўрни яратилди. Бошқача айтганда, бу борадаги режа 111,5 фоизга бажарилди. Аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлашни янада яхшилашга 45,4 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Шунингдек, республика аҳамиятига эга йўлларни қуриш ва таъмирлашга 32,8 миллиард сўм, маҳаллий аҳамиятга эга йўлларга 25,2 миллиард сўм, ички хўжалик йўлларига 5,3 миллиард сўм, электр тармоқларини такомиллаштиришга эса 51 миллиард сўм миқдорида маблағ йўналтирилди.

Бундай кўрсаткичлар Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар изчиллигидан далолат беради, албатта.

Шу ўринда Президентимизнинг фармон ва қарорлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кенг муҳокама этилиб, қабул қилинаётган янги қонунларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик учун катта имтиёзлар яратилгани ҳам реал натижалар бераётганини таъкидлаш жоиз.

Ижроия қўмитанинг кенгайтирилган таркибдаги йиғилишида O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси, Жўқорғи Кенгеси депутати Ботир Мирзаев жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулотда партия электорати саналган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши 47,2 фоизга етганини таъкидлади.

— 2012 йилнинг 1 июль ҳолатига кичик бизнес ва хусусий субъектларнинг сони 12189 (фермерлардан ташқари)тадан ошди, — деди у. — Уларга тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан 6 ойда 135,1 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шу даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш эвазига 18505 та янги иш ўрни яратилганини таъкидлаш лозим. Бу жараёнда 10506 нафар партия аъзоси ҳам 585 та БПТга бирлашган ҳолда фаоллик кўрсатмоқда.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Собир Жабборов «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунда яратиб берилган имтиёз ва имкониятлар хусусида кенг маълумот бериш баробарида фракция фаолияти, келгусидаги режалар ва парламент қуйи палатасида муҳокама этилаётган янги қонун лойиҳаларига ҳам атрофлича тўхталиб, анжуман қатнашчиларининг саволларига жавоб қайтарди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Гулжан Халмуратова, Пўлат Реймов, Соҳибжон Исмоилов, Тўлқин Турсунов ва Шароф Амонов эса электорат вакиллари манфаатини ифода этаётган қонун лойиҳаларининг жойлардаги ижросини таъминлаш, бу борада депутатлик назоратини кучайтириш масалаларига тўхталиб, асосий эътиборни Юртбошимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифаларга қаратдилар.

Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони Серсенбай Сейитназаров эса мамлакатимизда қишлоқ мулкдорлари учун кенг имконият яратилгани қорақалпоғистонлик фермерлар фаолиятида яққол акс этаётганини мисоллар билан таҳлил этди. O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси, Қорақалпоғистон Республикаси Фермерлар кенгаши раисининг фикрича, фақат мустақиллик давридагина қорақалпоғистонлик фермерлар ана шундай ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлдилар.

Йиғилишда истиқлол байрамини кўтаринки руҳда ўтказишда, энг аввало, партия фаоллари жонбозлик кўрсатиши, маҳаллий кенгаш депутатларидан тортиб бошланғич партия ташкилотлари етакчиларигача ўтган йилларда эришилган натижалар, тинчлик ва хотиржамлигимиз, барқарорлик замирида оғир меҳнат ва машаққатлар мужассам эканини ёшларга кенгроқ тушунтириш лозимлиги таъкидланди.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг сайёр йиғилиши қатнашчилари Нукус шаҳрида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик тузилмаларида ҳам бўлиб, у ерда меҳнат қилаётган юртдошларимиз билан жонли учрашувлар ўтказдилар.

**ЗЕРО ТИКЛАНГАН БЕБАҲО МЕРОСИМИЗ, ДИНУ ДИЁНАТИМИЗ, МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ ТОМ МАЪНОДА ЎТГАН 22 ЙИЛНИ МАЪНАВИЙ ТИКЛАНИШ ЙИЛЛАРИ, ДЕБ АТАШ ИМКОНИНИ БЕРАЯПТИ.**




Қорақалпоғистон Республикаси
Тахиатош шаҳридаги «Ойдин йўл» ёзги оромгоҳи

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

## ИСТИҚЛОЛ ВА ЮРТ ТАРАННУМИ

**Бухоро вилоятининг барча туман ва шаҳарларида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.**

**Жондор туманидаги «Мирзаён» қишлоқ фуқаролар йиғинида ижодкорлар, тарихчи олимлар иштирокидаги учрашув ҳам аҳоли билан самимий мулоқот тарзида ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда асрларга татигулик ишлар амалга оширилгани, қишлоқ ва шаҳарлар ободонлашиб, халқ фаровонлиги ошиб бораётганини алоҳида таъкидлади.**

**– Бундай мулоқотлар ўтган қисқа давр мобайнида ҳар биримизнинг ҳаётимизда, оиламиз, қишлоғимиз, бутун мамлакатимизда юз берган беқиёс ўзгаришларни яна бир бор теран идрок этишга, у билан фахрланишга ундайди, – дейди фахрий ўқитувчи Бахшулла Боймуродов. – Мен мактабда узоқ йиллар муаллимлик қилдим. Ёшларга таълим бериш учун яратилган бугунги шароит ва қулайликларни бундан 25-30 йил илгари хаёлимизга ҳам келтира олмас эдик. Истиқлол даврида қишлоғимиз мактаби мукаммал таъмирланиб, реконструкция қилинди. Замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Бу ерда яратилган шароит марказий шаҳарлардагидан асло қолишмайди.**

**Тадбирда Ватан, истиқлол ва эзгуликни тараннум этувчи шеърлар, куй-қўшиқлар янграДи.**

Э.ЁДГОРОВ, ЎзА мухбири.

**УШБУ ТИЗИМ НЕЧА АСРЛИК СИНОВЛАРГА БАРДОШ БЕРГАН ҲОЛДА, ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЭНГ ИШОНЧЛИ, САМАРАЛИ ВА ОММАБОП УСУЛЛАРИДАН БИРИ ЭКАНЛИГИНИ ТАСДИҚЛАДИ ҲАМДА ЮРТИМИЗДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА ҲАМ ЎЗИНИНГ МУНОСИБ ЎРНИНИ ТОПМОҚДА.**

# Аёллик бахти



**Робахон АБДУРАСУЛОВА,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Унга асосан, Бош вазир ўринбосари лавозими жорий этилиб, унинг зиммасига хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ролини янада ошириш билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириш вазифаси юклатилди. Айни пайтда Хотин-қизлар қўмитаси раиси Бош вазир ўринбосари этиб тайинланиши ҳам белгилаб қўйилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, ҳоким ўринбосари лавозимлари жорий этилдики, бу ҳудудларда ҳам аёлларга бўлган эътиборни янада кучайтириш имконини берди.

Шу ўринда ўтган йигирма икки йил давомида мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси ҳамда уни амалга ошириш механизмлари яратилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун, Меҳнат, Оила кодекси сингари ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамлаб қўйилди. Шунингдек, «Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида», «Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида», «Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисида»ги Конвенциялар ратификация қилингани ҳам бу борадаги муҳим қадамлардан бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1998 йилнинг «Оила йили», 1999 йил «Аёллар йили», 2012 йил эса «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши, шу муносабат билан махсус Давлат дастурлари қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилиши жамиятимизда аёл зотини улуғлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан ҳам далолатдир. 1999 йил 10 июнда эса «Зулфия» номидаги Давлат мукофоти таъсис этилишига оид Президент фармони қабул қилиниб, бу ҳужжат билан ёш қизларнинг жамиятдаги мавқси янада юксалтирилди.

Мамлакат сиёсий майдонида қарийб ўн йилдан буён тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатини ҳимоя қилиб келаётган партия аъзоси сифатида эса аёллар сиёсий партиялар фаолиятида ўзларининг мустаҳкам ўринларига эга бўлганларини таъкидлашни истардим. Зеро, ҳар бир партия етакчисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари бўлиб, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида ҳам ана шундай лавозимлар таъсис этилган.

Айни пайтда O`zLiDePнинг 180 мингга яқин аъзоси бўлса, уларнинг 50 фоизга яқинини аёллар ташкил этмоқда.

Маълумки, дунё тажрибасида парламент аъзолари орасида аёллар сони жами депутатларнинг 15 фоиздан ортиғини ташкил этадиган давлатлар кўплаб топилади. Ана шу кўрсаткич 20 фоиздан ошган мамлакатлар сони эса атиги 20 тани ташкил этар экан. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасида хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши белгилаб қўйилган. 2009 йилги сайловлар жараёнида айни ана шу норманинг жорий этилиши парламент қуйи палатасига 33 нафар хотин-қизнинг депутат этиб сайланишига имкон берди. Бу жами депутатларнинг 22 фоизини ташкил этади.

Шу ўринда Сенат аъзоларининг ҳам 15 фоизи аёллар эканини айтиш мумкин. Маҳаллий вакиллик органларида фаолият кўрсатаётган аёллар эса бугунги кунда жами депутатлар сонининг 20 фоизидан ортиғини ташкил этмоқда.

Кейинги пайтларда хотин-қизларнинг ижро ҳокимияти органларидаги фаолиятини оширишга қаратилган изчил ҳаракатлар туфайли давлат органларидаги раҳбарлик лавозимларининг 15 фоиздан ортиғини хотин-қизлар эгаллади.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг суд ҳокимияти органларидаги вакиллиги ҳам анча юқори экани қайд этилмоқда. Чунончи, Конституциявий судда 20 фоиз, Ўзбекистон Республикаси Олий судида 14,6 фоиз, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят ва Тошкент шаҳар судларида — 20,4 фоиз, Олий хўжалик судида 15,8 фоиз, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят хўжалик судларида 22,6 фоиздан зиёд хотин-қизлар фаолият олиб бормоқда. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш соҳасида — 42,8, қишлоқ хўжалигида — 43,8, фермер хўжаликлари тизимида — 4, таълим, маданият ва илм-фан соҳасида — 72,9, соғлиқни сақлаш тизимида 75,3 фоиздан зиёд хотин-қизлар иш олиб бораяпти.

Кейинги йилларда республикамизда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича қонуний ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Уларда оилани мустаҳкамлаш, оналар ва болаларнинг моддий аҳволини яхшилаш учун қулай шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўз навбатида мамлакат миқёсида 12 йиллик умумтаълим дастури амалга оширилиб, йигит ва қизларнинг олий ва ўрта махсус муассасаларида таълим олишлари учун давлат томонидан маблағ ажратилаётгани халқаро экспертлар томонидан ҳам ноёб ҳодиса сифатида эътироф этилмоқда. Шу ўринда Ўзбекистонда бола икки ёшга тўлгунига қадар белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 200 фоизи миқдорида нафақа тўлаш, бола икки ёшга тўлгандан сўнг иш ҳақи сақланмаган ҳолда бола уч ёшга тўлгунича таътил бериш, икки ёшга тўлмаган фарзанди бор ва ишлашни хоҳлаётган аёлларга иш куни давомида болани овқатлантириш учун иш вақтига кирадиган ва ўртача иш ҳақи бўйича ҳақ тўланадиган танаффуслар бериш белгилангани ҳам Ўзбекистонда аёллар учун ниҳоятда қулай шароитлар яратилганини кўрсатади.

Бу соҳадаги ишлар ҳамда эришилган ютуқларимиз айни пайтда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳоланмоқда.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда хотин-қизлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Уларни иш билан таъминлаш, тадбиркорликка йўналтириш борасида ҳам изчил ишлар олиб борилаяпти. Давлат ва жамият миқёсида хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга хизмат қиладиган тузилмалар яратилган.

Юртбошимиз айтганларидек, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилган, оилаларимизни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши ҳам бу соҳадаги ютуқлардан бири бўлди.

Халқимиз асрлар давомида тадбиркорлик, ҳунармандчилик билан шуғулланиб, ноёб касб ва ҳунарларини «уста-шогирд» анъаналари асосида ёки оилавий тадбиркорлик тизимида авлоддан-авлодга ўргатиб келганлар. Ушбу тизим неча асрлик синовларга бардош берган ҳолда, иқтисодиётнинг энг ишончли, самарали ва оммабоп усулларидан бири эканлигини тасдиқлади ҳамда юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида ҳам ўзининг муносиб ўрнини топмоқда. «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун ана шу қадриятларни янада ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларида меҳнат қилаётган опа-сингилларимизга оилада ҳам, жамиятда ҳам ўзининг муносиб ўрнини топишга ёрдам беради.

Мухтасар айтганда, амалга оширилаётган юқоридаги каби ислоҳотлар ўзбек аёлларининг бошқалардан ҳеч ҳам кам эмасликларини исботлаб, салоҳиятию имкониятларини кенгайтириш асносида уларни қизғин фаолият майдонига олиб кирди. Буларнинг барчаси истиқлол туфайли Ўзбекистон хотин-қизларига берилган улуғ саодатдир.

## БИР ҲОВУЧ ДУР

**Агар сендан эзгулик нима деб сўрасалар, амалда фойдаланилган донишмандликдир, деб жавоб бер.**

# Андижонга бир келинг, Андижонга!

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Ахроржон МУСУРМОНОВ,**
«XXI asr»

Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 111 фоиз ўсишга эришилди, деганидир. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш, бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш ва замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобига 3 трлн. 727 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, ўсиш суръати эса 119,4 фоизни ташкил этди.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 2 трлн. 716 млрд. сўмга етган бўлса, 1 трлн. 47 млрд. сўмликдан зиёд қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди. Молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 606,5 млрд. сўмлик капитал қўйилмалари ўзлаштирилгани ҳам ислоҳотларнинг изчил давом эттирилаётганидан далолатдир. Ҳисобот даврида ҳудудий экспорт ҳажми 36,4 млрд. АҚШ долларига тенг бўлди, яъни белгиланган режа 112 фоизга уддаланди. Ялпи ҳудудий маҳсулотда хизматлар улуши 50,2 фоиз, кичик бизнес субъектларининг ҳиссаси эса 47,35 фоизни ташкил этди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 26 та корхонада 110 та лойиҳа амалга оширилиб, жами 32,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва режа 107,3 фоизга бажарилди.

Президентимизнинг «2013 йилги Давлат инвестиция дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Андижон вилоятининг 2013 йил ҳудудий инвестиция дастури» ишлаб чиқилиб, унга 15 та йирик лойиҳа киритилган эди. Ана шу муҳим ҳужжатда барча манбалар ҳисобидан 39,5 миллион долларлик инвестиция жалб этиш кўзда тутилганди. Ўтган олти ойда дастурга киритилган 23 та лойиҳага 15,3 миллион долларга тенг тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредит ажратилиши ҳисобига бир қатор корхоналар иш бошлади. Жумладан, «Делта текс» қўшма корхонасида калава ип, «Чин Илҳом» МЧЖда тикув-трикотаж маҳсулотлари, «Дўст шериклари» МЧЖда оёқ кийимлари учун тагликлар, «РСУ Дорстрой» хорижий корхонасида қурилиш хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилди.







Шу ўринда коллеж ва лицейларни тамомлаган ёшлар ҳамда вақтинча ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш мақсадида 79 минг 580 та янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айни кунгача дастур асосида 49 минг 882 та янги иш ўрни яратилиб, режа 125,4 фоизга бажарилди. Шундан 34 минг иш ўрни (72 фоизи) қишлоқ ҳудудларида ташкил этилди.

Тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар иқтисодий ўзгаришлар асоси бўлди, десак ҳам муболаға бўлмайди. Чунки биринчи ярим йилликда иқтисодиёт тармоқлари ва барча турдаги хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган жами кредитлар 536,7 млрд. сўмни ташкил этди. Шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка 234,8 млрд. сўм, аҳолига берилган истеъмол кредитлари эса 9,4 млрд. сўмни ташкил қилди.

Андижонда йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. Буни «Давлат инвестиция дастури» асосида Ўзбек миллий автомагистрали таркибига кирувчи 3 та объектда 29 млрд. 915 миллион сўмлик, Вазирлар Маҳкамасининг «2013 йилда умумфойдаланувдаги халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини тўла таъмирлаш тўғрисида»ги қарорига асосан жами 76 млрд. 865 миллион сўмлик ишлар бажарилиши белгиланган ҳолда ҳисобот даврида йўлларни реконструкциялаш ва таъмирлашга 31 млрд. 57 миллион сўм сарфланганини айтиш жоиз. Бу олти ойда режа 127 фоизга бажарилди, деганидир.

Энг муҳими эса бу йўлларда мустақил Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган ўзбек автомобиллари юртдошларимиз манзилини яқин қилиб, порлоқ келажак сари элтади, десак муболаға бўлмайди.

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИККА 234,8 МЛРД. СЎМ, АҲОЛИГА БЕРИЛГАН ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТЛАРИ ЭСА 9,4 МЛРД. СЎМНИ ТАШКИЛ ҚИЛДИ.**

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ МУТАСАДДИЛАРИНИНГ МАЪЛУМ ҚИЛИШЛАРИЧА, 2010-2012 ЙИЛЛАРДА ВИЛОЯТДА НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА ЖАМИ 2410 ТА УЙ-ЖОЙ БАРПО ЭТИЛГАН.**

## Бунёдкорлик



Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат

# Қашқадарёда катта тўйга катта тўёна ҳозирланди

### МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 22 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЮЗДАН ОРТИҚ ЯНГИ ОБЪЕКТ ИШГА ТУШИРИЛАДИ

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»

— «Обод турмуш йили» Давлат дастурига асосан жами 106 та ижтимоий объект қурилиши учун 79,5 млрд. сўм, шундан 92 та объектга «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» ҳисобидан 66,5 млрд. сўм, 14 та объектга «Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» ҳисобидан 13 млрд. сўм ажратилган, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари Эркин Мамадиёров. — Бугунгача 7 та касб-ҳунар коллежи, 19 та умумтаълим мактаби, 2 та болалар спорти ва 6 та соғлиқни сақлаш иншооти фойдаланишга топширилди.

46 та мактабни реконструкция қилиш ва 10 та мактабни капитал таъмирлаш учун 34,8 млрд. сўм ажратилган бўлиб, шундан 19 тасида қурилиш-монтаж ишлари якунланди. Қолганлари истиқлол байрамига қадар қуриб битказилади. Чироқчи туманида 2 та, Шаҳрисабз ва Қамаши туманларида 1 тадан қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилган бўлса, Деҳқонобод туманидаги Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ҳамда Қарши шаҳридаги Асаб касалликлари диспансери реконструкция қилинди.

— Қарши Давлат университетининг 1500 ўринли янги ўқув биноси ҳам байрам кунлари тантанали равишда очилади, — дейди «Яккабоғ қўрғони» қурилиш-инжиниринг компанияси раҳбари, халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Эркин Тўхтаев. — Мазкур иншоотнинг тендер қиймати 12 миллиард 631 млн. сўмни ташкил қилади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати — инжиниринг компанияси буюртмасига асосан барпо этилаётган иншоот 4 минг квадрат метр майдонни эгаллайди. Бу ерда янги спорт зали қурилиши якунланиш арафасида бўлса, ётоқхоналар капитал таъмирдан чиқарилди.

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги мутасаддиларининг маълум қилишларича, 2010-2012 йилларда вилоятда намунавий лойиҳалар асосида жами 2410 та уй-жой барпо этилган. Янги уй-жой массивларида 119 та ижтимоий ва инфратузилма объекти фойдаланишга топширилиб, 76,5 км. газ, 57,1 км. электр ва 157,2 км. ичимлик сув тармоқлари тортилди. Қарши туманида нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, Китоб туманидаги Чармгар ва Муборак туманидаги Янги Қорақум массивларида эса маҳалла гузари, Мирмирон массивида 4 та спорт майдончаси бунёд этилди. «Обод турмуш йили»да 24 та массивдаги 1050 та уй-жой қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. 2014 йилда 1090 та уй-жой қуриш учун 34 та массив танланган бўлиб, Қарши-Шаҳрисабз йўналишидаги 7 та массивда 145 та уй-жойдан 132 тасида қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

— Президентимиз ташаббуси билан намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар барпо этила бошлангач, биринчилардан бўлиб ариза бердим, — дейди O`zLiDeP Миришкор туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Шарифбой Раҳмонқулов. — Бугун барча шароитларга эга бўлган замонавий уйда оила аъзоларимиз билан истиқомат қилаяпмиз. Тўй қилиб, ўғлимни уйлантирдим. Илгари вилоятнинг энг чекка, чўл ҳудуди ҳисобланган Миришкорда шундай шаҳарча бунёд этилади, деса ҳеч ким ишонмас эди.

Ҳа, чиндан ҳам бугун воҳанинг қай бир ҳудудида бўлманг, улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Вилоятнинг энг чекка қишлоқлари ҳам истиқлол шодиёнаси арафасида янада гўзаллашиб бораяпти. Мустақиллик иншоотлари эса улар кўркига-кўрк қўшмоқда.

## Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига

### ШАҲАРГА БЎЙЛАШГАН ҚИШЛОҚЛАР

**Энг улуғ, энг азиз айём – мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллик байрами арафасида Фарғона вилояти қишлоқ массивларида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган янги уйларда ҳовли тўйлари бўлиб ўтмоқда. Президентимиз рахнамолигида кишлокларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий турар-жойлар қурилишига қаратилаётган алохида эътибор аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг мантиқий давомидир. Истиқлолимизнинг 22 йиллиги байрами арафасида мамлакатимизнинг барча қишлоқларида бирин-кетин фойдаланишга топширилаётган уйларда ҳамюртларимиз ҳовли тўйларини нишонламоқда. Бешариқ тумани, «Яккатут» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Бўстон маҳалласида намунавий лойиҳалар асосида курилган шинам ва замонавий 16 та уй фойдаланишга топширилди.**

**— Мустақиллик байрамини кенг ва баҳаво, барча шароитларга эга кўркам уйда кутиб олаётганимиздан бахтиёрмиз, — дейди Озода Каттахўжаева. — Бундай замонавий шароитларда яшашни илгари орзу қилардик, шаҳарлик аёлларга ҳавасимиз келар эди. Истиқлол шарофати, Президентимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги туфайли бу орзулар рўёбга чикди, ҳаваслар ҳақиқатга айланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бошланган бу каби хайрли ишлар кишлок тараққиётида мухим бурилиш ясади. Ўтган икки йилда мазкур туманнинг ўзида 142 та замонавий уй эгаларига топширилди. «Обод турмуш йили»да эса 53 та ана шундай уйлар бунёд этилмоқда.**

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири.

Истиқлол тенгдошлари

### БАХТИЁР АВЛОД ВАКИЛИМАН

**— Сен жуда қутлуғ йилда дунёга келгансан, — дейдилар бобом ҳар гал мени дуо кила туриб. — 1991 йили Ватанимиз мустақилликка, халкимиз озодликка эришган йил.**

**Мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, ўзим танлаган касбни пухта эгаллаш, озод Ватанимиз салоҳиятини янада юксалтириш ишига муносиб ҳисса қўшиш ниятини дилимга тугдим. Фарғона давлат университетининг филология факультетига ўкишга кабул килиндим. Барча фанларни аъло баҳоларга ўзлаштиришга, жамоат ишларида фаол катнашишга ҳаракат килдим. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Меҳр нури» жамғармаларининг «Таълим грантлари дастури»да иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритдим. Жорий йилда эса «Келажак овози» танловининг адабиёт ва публицистика йўналишида вилоят боскичи ғолиби бўлдим. Айни пайтда мамлакат микёсида ўтказиладиган турли тадбирларда фаол иштирок этиб келмокдаман. Бўш вактларимда стол тенниси ва баскетбол секцияларига катнайман. Инглиз тилини пухта ўзлаштирмокдаман.**

**Бобом айтганларидек, биз, истиқлол фарзандлари бахтли авлодмиз. Ёшларнинг жаҳон андозалари даражасида таълим олиши, ўз танлаган касби бўйича юксак чўккиларни забт этиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Иктидорли ёшларни излаб топиш, уларга ўз истеъдодини рўёбга чиқаришда ҳар томонлама кўмаклашиш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида.**

**Мен Ўзбекистондек озод ва обод Ватанда ўсиб улғаяётганимдан, Юртбошимизнинг ғамхўрлигидан бахраманд бўлаётганимдан фахрланаман. Бундай доимий ғамхўрликка жавобан Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишни ўзимнинг фарзандлик бурчим, деб биламан.**

Муҳаббат ШЕРАЛИЕВА, Фарғона вилояти **(ЎзА).**

### ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

# ХАБАРЛАР

### МУСИҚАЛИ ФАВВОРА

**Истиқлолнинг 22 йиллик байрами арафасида Термиз шаҳрида улкан мусиқали фаввора фойдаланишга топширилди.**
**470 миллион сўм маблағ сарфланган янги фавворани «Шаҳзода амал сервис» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари бунёд этдилар.**
**Термиз оқшомида болажонларнинг энг севимли масканларидан бирига айланган фавворанинг ташқи ва устки қисмига «желтау» гранити, деворлари ва пол қисмига «майолика» плиткалари қопланган. Бу Сурхондарё вилояти марказидаги иккинчи мусиқали фаввора бўлиб, унинг дастлабкиси Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширилган эди.**

Фарҳод ТОШБОЕВ.

### ЎЗДЖТУ УЧУН ЯНГИ БИНО

**Вазирлар Маҳкамасининг 13 августдаги «Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг моддий-техника базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофик 2013-2015 йилларда Учтепа туманида мазкур таълим муассасаси учун 2200 ўринга мўлжалланган янги бино куриладиган бўлди.**
**Асосий бино ёнида югуриш йўлаклари, футбол, волейбол, баскетбол майдонлари, теннис корти ва сузиш ҳавзасини ўз ичига олган спорт мажмуаси, 400 ўринли ошхона, шунингдек, хорижлик мутахассислар учун 20 ўринли меҳмонхонанинг барпо этилиши режалаштирилган.**
**Бундан ташкари, карорда 2013-2016 йилларда ЎзДЖТУ тасарруфидаги бир катор ўкув корпуслари ва талабалар ётокхоналари таъмирдан чиқарилиши, шунингдек, университетни радиостудия, электрон кутубхона, мультимедиа аудиториялари, лингафон синфлари, хорижий тилларни мустакил ўрганиш павильонлари ва бошқа техник воситалар билан таъминлаш учун бюджет маблағлари ажратилиши белгиланган.**

# Сон эмас, сифат муҳим

ФАРҒОНАДА «ДИПЛОМ БИЛАН — БИЗНЕСГА-2013» ЛОЙИҲАСИНИНГ ҲУДУДИЙ БОСҚИЧЛАРИДА МИНГДАН ЗИЁД ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ БИТИРУВЧИЛАРИ ҚАТНАШГАН БЎЛСА, 150 НАФАР ИШТИРОКЧИ ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ДОИРАСИДАГИ ЎҚУВ-СЕМИНАРЛАРГА ЙЎЛЛАНМА ОЛДИ

**Шухрат РАҲИМОВ,**
«XXI asr»



Энг муҳими, ёшлар томонидан тақдим этилган аксарият бизнес-режалар тижорат банклари томонидан молиялаштирила бошланди.

— «Ишбилармон талаба» кўрик-танлови ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин, — дейди O`zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Юсуф Юсупжонов. — Бу йил мазкур тадбирда қатнашиш хоҳишини билдирган ёшлардан 486 та ариза келиб тушди. Ўзига хос қизиқишларга эга бўлган қобилиятли тенгдошларимизнинг 52 нафари кўрик-танловнинг вилоят босқичида тадбиркорликнинг 23 та йўналиши бўйича беллашди. Эътиборли томони, январь-июнь ойларида партиявий лойиҳа иштирокчиларининг 153 нафари O`zLiDeP аъзоси бўлиш истагини билдирди.

Маълумки, ташаббускор ёшларни партия сафига жалб қилиш борасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларининг сифатини ошириш фаолларимиз олдидаги долзарб вазифалардандир. Шундан келиб чиқиб, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг «2013 йилда «Парламентда менинг ўрним» лойиҳасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ истиқболли кадрлар захирасига олинган ёшлар ҳамда Фарғона шаҳар «Ишбилармон ёшлар» клуби аъзолари иштирокида 25-28 июль кунлари «Ёзги ўқув оромгоҳи» лойиҳаси доирасида тадбир ўтказилди. Унинг иштирокчилари «O`zLiDePнинг Сайловолди платформаси, Устави ва дастури», «Партиявий лойиҳалар ва уни амалга оширишда «Ёшлар қаноти» фаоллигини янада кучайтириш», «Агар мен депутат бўлсам...» каби йўналишларда билим ва кўникмаларини оширдилар.

Шу ўринда «Парламентда менинг ўрним» лойиҳаси ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ёшлар сиёсатига доир қонун лойиҳалари учун тегишли таклиф ва тавсиялар олиш тизимини шакллантириш, уларнинг бу борадаги қонун ҳужжатлари билан яқиндан танишишларига кенгроқ имкон беришга қаратилганини таъкидлаш жоиз.

— Биз тадбирлар давомида кўппартиявийлик шароитида либерал-демократик ғоя ва дастурларимизнинг янада мукаммал бўлишини таъминлашга ҳисса қўшадиган ёшларни тайёрлашга ҳаракат қиляпмиз, — дейди O`zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Нафиса Элчиева. — Ёшлар масалаларини ҳал этиш, янги авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатлари, ҳукумат қарорлари ва дастурларнинг жойлардаги ижроси юзасидан депутатлик назорати ва таъсирини кучайтириш шу маънода ҳам энг муҳим ишимиз ҳисобланади.

Тўрт кун давом этган «Ёзги ўқув оромгоҳи»да «Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли», «Ёшлар манфаатларига хизмат қилувчи лойиҳалар», «O`zLiDePнинг Сайловолди дастури ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятининг асосий тамойиллари» мавзуларида маърузалар, мулоқот ва дебатлар ташкил этилди. Иштирокчилар олган билимлари асосида ўзларининг намунавий сайловолди платформаларини ишлаб чиқиб, гуруҳларга бўлинган ҳолда электорат билан ишлаш, депутат сифатида аҳоли муаммоларини ечиш механизмларини муҳокама қилдилар.

— Интерфаол усулдаги бундай ўқувлар ҳаётимизга ижобий ўзгаришлар олиб киради, албатта, — дейди ёш тадбиркор Мафтуна Қирғизбоева. — Мен O`zLiDeP тадбирларида мунтазам иштирок этиб, ўз дастурига кўра тадбиркорлар фаолиятини ҳимоя қилаётган сиёсий кучнинг ёшларга эътибори юқори эканига гувоҳ бўлдим. Шунинг учун ҳам жамият фаровонлигига интилувчи фуқаролар бошини қовуштираётган O`zLiDePга аъзо бўлишга қарор қилдим.

— Ҳа, чиндан ҳам бугун мамлакатимизда катта ҳаёт остонасига қадам қўяётган минглаб Мафтуналар бўлиб, уларни қўллаб-қувватлаш, тўғри йўл кўрсатиш, билим ва кўникмаларини ошириш барча сиёсий партиялар қатори O`zLiDePдан ҳам жуда катта масъулият талаб этади, — дейди Фарғона вилоят партия кенгаши раиси Раҳматилла Камолов. — У ёки бу мавзуга бағишланаётган ҳар қандай тадбир замирида либерал-демократик ғоялар тарғиботи ва албатта ёшлар, аёллар ҳамда электорат вакилларини партия фаолиятига жалб этиш мақсади мужассамдир.

Бир сўз билан айтганда, Фарғонада ташкил этилган тадбирлар давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида ёшларнинг партиявий лойиҳаларда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган аниқ таклиф ва тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди. Жумладан, вилоятдаги 5 та олий ўқув юрти, 144 та касб-ҳунар коллежи ва 12 та академик лицейда ҳар ўқув йилининг дастлабки кунларида партиявий лойиҳалар тақдимотини ўтказишга келишиб олинди.

Ўқув якунида унинг иштирокчиларига «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида байрам дастури тақдим этилди.

**ВИЛОЯТДАГИ 5 ТА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ, 144 ТА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ВА 12 ТА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙДА ҲАР ЎҚУВ ЙИЛИНИНГ ДАСТЛАБКИ КУНЛАРИДА ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИНИ ЎТКАЗИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ.**

# Қонун жамоатчилик муҳокамасига киритилди

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА БИРИНЧИ ЎҚИШДА КОНЦЕПТУАЛ ЖИҲАТДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ АЙНИ ПАЙТДА КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИДАН ЎТКАЗИЛМОҚДА



**Шоира ҲАЙДАРОВА,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Маълумки, Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларнинг бузилиши ўнглаб бўлмайдиган экологик фожиаларга олиб келиши алоҳида таъкидланган эди. Бинобарин, хўжалик фаолиятини режалаштириш ва амалга оширишда табиат қонунларини ҳисобга олиш ҳамда уларга қатъий амал қилиш экологик мувозанатни сақлашнинг муҳим омилларидан саналади.

Шундай экан, экологик хавфсизликни таъминлаш жараёнига жамоатчилик назоратини босқичма-босқич жорий этиш бўйича самарали ҳуқуқий механизмни шакллантириш бугунги кундаги муҳим вазифалардан бири саналади.

«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талаблари асосида фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг атроф-муҳит муҳофазасига оид муаммоларни ечишдаги иштирокини таъминлашга йўналтирилган юқоридаги қонун лойиҳаси шу маънода ҳам ҳаётий заруратга айланди.

Дунё тажрибасига эътибор қаратсак, қатор мамлакатларда бу соҳага оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни қабул қилишда атроф-муҳит муҳофазаси учун масъул бўлган барча бошқарув тизимлари ва кенг жамоатчиликнинг бевосита иштирокини кўришимиз мумкин. Масалан, АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларнинг соҳага оид қонунчилигини шакллантиришда жамоат ташкилотлари муҳим роль ўйнаган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда муҳокама этилган «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг ижросини тўла таъминлаш, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш соҳасидаги роли ва ўрнига аниқлик киритишга йўналтирилган.

Шуни айтиш жоизки, «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ниҳоятда долзарб ва ҳаётийлиги учун ҳам O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг диққат марказида турибди. Бинобарин, фракциянинг ушбу қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилишида атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фуқаролик институтлари ва бевосита фуқароларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаш жоиз.

O`zLiDeP фракцияси мазкур қонун лойиҳасининг долзарблигини инобатга олган ҳолда, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида таркиби, моддаларининг мантиқий кетма-кетлиги, қонунчилик тили ва амалиёти талабларига мувофиқлиги, нормаларининг аниқлиги нуқтаи назаридан таҳририй қайта кўриб чиқиш учун қатор таклиф ва тавсиялар тайёрлаб, тегишли қўмитага тақдим қилди.

Биринчидан, экологик назорат турлари, жумладан, давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик экологик назорати ҳамда уларни амалга ошириш услубларини, тегишли экологик назорат натижаларини рўёбга чиқариш ва расмийлаштириш шаклларини, махсус ваколатли давлат органлари, фуқаролик жамияти институтларининг экологик назорат соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини янада ойдинлаштириш лозим. Шу билан бирга, қонун лойиҳасининг бир қатор моддаларидаги нормалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари нормаларига мувофиқлигини қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Иккинчидан, бугун амалда бўлган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида», «Чиқиндилар тўғрисида», «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Фуқаролик кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг нормаларига мослигини яна бир бор таққослаб кўриш, мувофиқлигини таъминлашга алоҳида эътибор бериш лозим бўлди. Умуман, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш борасидаги ишлар давом этаётган шу кунларда O`zLiDeP аъзолари ўзларининг аниқ таклиф ва тавсияларини илгари сурмоқдалар.

**ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ БИР ҚАТОР МОДДАЛАРИДАГИ НОРМАЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯНАДА ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЯНАДА КЕНГ ЭРКИНЛИК БЕРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ҲАМДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ НОРМАЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.**

## **Депутатлик** гуруҳларида

# Йиллар ва йўллар

БУХОРОДА O`ZLIDEP ВИЛОЯТ, ШАҲАР, ТУМАН КЕНГАШЛАРИ ВА ЖОЙЛАРДАГИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАИСЛАРИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДАГИ ПАРТИЯ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОКИДА **«ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!»** МАВЗУИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI asr»

— Мустақиллик йилларида республикамиз иқтисодиёти қарийб 3,4 баробар ўсиб, ўртача иш ҳақи 14, аҳолининг умумий даромади эса 9 марта ошди, — деди тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Насимжон Алимов. — Сўнгги беш йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўртача 8,5 фоизни ташкил этди. Давлат томонидан ижтимоий соҳага сарфланган харажатлар ҳажми қарийб 5 баробардан ошди. Ҳар йили давлат бюджетининг 60 фоизга яқини соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалиги соҳаларини ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш учун йўналтирилмоқда.

Семинарда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят минтақавий бўлинмаси раҳбари Шуҳрат Бафоевнинг «Ислоҳотчи раҳбар феномени» мавзуидаги маърузаси ҳам тингланди. Маърузада, жумладан, XX асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмида собиқ иттифоқ ҳудудида рўй берган воқеа-ҳодисалар хусусида атрофлича сўз юритилди. Ҳали коммунистик шўро тузуми ҳукмрон бўлиб турган 1989 йилда «Фарғона фожеаси» деб ном олган, собиқ иттифоқни ларзага келтирган ва нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиёдаги вазиятни издан чиқариши мумкин бўлган нохуш вазият ҳукмронлик қилган бир пайтда Президентимиз жасорати туфайли ҳам халқимиз ўз қаддини тиклаб, истиқлол йўлидан дадил одимлай бошлади.

Тадбирда 1989 йилнинг июнь ойи охирларида, яъни республикадаги аҳвол ғоят кескин тус олган, Фарғона водийси, Тошкент, Сирдарё ва бошқа вилоятларнинг айрим ҳудудлари талатўплар алангаси ичида қолиб кетган ўша қалтис кунлар бугунги дориломон давр билан қайта-қайта қиёсланди.

Маърузачилар Юртбошимизнинг Бўка туманида жунбушга келган оломон орасига мардона кириб борганини, омманинг кўнглига йўл топиб, ўз сўзига ишонтира олганини эсладилар. Ёки 1991 йилнинг охирида Наманган вилояти маъмуриятининг экстремистлар томонидан тўлиқ эгаллаб олинган биносига қўриқчиларсиз, ёлғиз ўзи кириб бориб, экстремизмнинг ҳар қандай кўриниши, жумладан, диний экстремизмни ҳам мутлақо инкор этадиган демократик ва дунёвий давлат қуриш бўйича ўз позициясини қатъий баён қилгани ёшларга аниқ мисоллар асосида ҳикоя қилинди.

Семинарда сўзга чиққан Бухоро Давлат университети профессори, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Ҳамро Раҳмонов, «Тадбиркор аёл» уюшмаси вилоят бўлими раҳбари, O`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари Дилбар Аҳмедова, Пешку туманидаги «Малишояк» фермер хўжалиги раҳбари, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Санам Жумаева ва бошқалар Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиорининг мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш бўйича аҳоли турли қатламлари ўртасида олиб борилаётган тадбирлар хусусида батафсил тўхталдилар, электорат вакилларининг бу борадаги фаолиятини янада жонлантириш зарурлигини таъкидладилар.

## Тадбир

# ХАТОНИ ЎЗИМИЗДАН ИЗЛАЙЛИК

**— Ҳар қандай ота-она фарзандининг соғлом ва бахтли бўлишини истайди. Лекин ногирон болалар дунёга келишига сабаб бўлувчилар ҳам баъзан ота-оналар эканини инкор этолмаймиз. Айтмоқчиманки, қариндошлар ўртасидаги никоҳга ҳамма ҳам жиддий эътибор қаратавермайди...**

**Самарқанд вилоят саломатлик ва статистика институти директори Лайло Алматованинг фикрларига эътироз билдириш қийин, албатта. Унинг таъкидлашича, тиббиётда 6000 дан ортиқ ирсий касалликлар бўлиб, шундан 1,5 мингтаси даволаб бўлмайдиганлар сирасига киради. Бундай касалликлар кўпинча қизларни эрта турмушга узатиш оқибатида келиб чиқяпти. Афсуски, вилоятда ҳам ирсий касалликка чалинган чақалоқлар борлигидан кўз юммаслик керак.**

**O`zLiDeP ташаббуси билан Самарқандда ташкил этилган «Соғлом оила — мустаҳкам оила» партиявий лойиҳасининг вилоят боскичида ана шундай фикрлар билдирилиб, касалликлар тарихига оид кенг маълумотлар берилди. Тадбирда, айниқса, хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини карор топтириш, эрта турмуш куриш ва кариндошлар орасидаги никоҳнинг салбий оқибатларига алоҳида эътибор қаратилди. Тадбир ташкилотчиларининг таъкидлашича, мазкур лойиҳа вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ўтказилди. Уларда минг нафарга яқин хотин-қиз иштирок этиб, ўзлари учун зарур маълумотларга эга бўлдилар. Қолаверса ана шундай маълумотларни жамлаган маърузаларнинг электрон шаклда тарқатилгани лойиҳа шу билан тўхтаб қолмасдан ҳали жойларда давом этади, деганидир.**

Муҳаббат РАВШАНОВА.

## БИР ҲОВУЧ ДУР

**Сўз — либос.**
**Маъно — шу либос остига**
**яширинган сир.**

(Жалолиддин РУМИЙ).

**Доно киши ҳаммани қадрлайди.**
**Чунки у ҳар бир одамнинг яхши**
**томонини кўра олади.**

(Балтасар ГРАСИАН).

# *Кучли қуйи бўғиндан — кучли партияга*

**СИРДАРЁ**



**O`zLiDeP Сайхунобод туман кенгашида иш олиб бораётган бошланғич ташкилотда «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Унда Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказишда қуйи бўғинлар иштирокини кенгайтириш, жойларда ушбу мавзуда туркум семинарлар, давра суҳбатлари ҳамда амалий мулоқотлар ўтказиб бориш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.**

**ХОРАЗМ**



**O`zLiDeP Янгибозор туман кенгашида «Тадбиркорлик субъектларининг давлат тузилмалари ҳамда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзуида очиқ мулоқот ташкил этилди. Унда ишлаб чиқариш корхоналарини замонавий технологияларга асосланган ускуналар билан таъминлаш, мавжуд бино ва иншоотларни талаб даражасида реконструкция қилиш, жойларда қўшимча иш ўринлари яратиш масалалари юзасидан атрофлича фикр юритилди.**

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА



## ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНДИ

**O`zLiDeP Тошкент шаҳар ҳамда Шайхонтоҳур туман кенгашлари ташаббуси билан Ўзбекистон онкология илмий марказида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида «Мустақиллик — буюк неъмат» мавзуида анжуман ташкил этилди.**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари ва илмий марказ мутасаддилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган тадбирда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ватанимизнинг қутлуғ тўйини муносиб кутиб олиш ҳар бир фуқаро зиммасига алоҳида масъулият юклаши таъкидланди.**

**— Ўтган йигирма икки йиллик мустақил тараққиёт даврида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида асрларга татигулик ўзгаришлар амалга оширилди, — деди Ўзбекистон онкология илмий маркази директори, профессор Саримбек Наврўзов. — Бу эса юртдошларимиз қалбида эзгулик, она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилгани билан муҳим аҳамият касб этмоқда.**

**Тадбирда, шунингдек, O`zLiDeP билан марказ ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришга келишиб олинди.**

Равшан ХАЙДАРОВ.



## «POKIZA»ДА ПОКИЗА НИЯТЛАР ИЖОБАТИ

**Термиз шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Pokiza» МЧЖдаги бошланғич партия ташкилотида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида «Мустақиллик: тадбиркорликка кенг йўл!» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

**Истиқлолимизнинг 22 йиллигига бағишланган ушбу тадбирда O`zLiDeP Термиз шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Гулноза Бобоқулова, БПТ раиси Пардахол Алимназарова сўзга чиқиб, мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда мулкчиликнинг хусусий шаклига асос солингани, мулкдорлар синфи етакчи кучга айлангани, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, уларнинг эркин фаолият юритиши учун барча шароит яратилаётганини таъкидладилар.**

**Икки йилдан буён фаолият юритаётган «Pokiza» фирмасининг замонавий ускуналари орқали айни пайтда ўндан ортиқ турдаги нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозир бу ерда 15 киши иш билан банд. Уларнинг 10 нафари ёш мутахассисдир. Корхона маҳсулотлари сифатли ва арзонлиги билан ҳам харидоргир.**

**— Бошланғич ташкилотимиз ўн нафар аъзони бирлаштирган, — дейди БПТ раиси П.Алимназарова. — Улар яқинда ишлаб чиқариш турларини кўпайтириб, аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида тикув цехи ва интернет-кафе очиш ташаббуси билан чиқдилар. Бунинг натижасида эса яна 16 киши иш билан таъминланади.**

Фарҳод ТОШБОЕВ.

# Дахлдорлик туйғуси

**O`ZLIDEP ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ТЎЛҚИН ФАЙЗИЕВНИНГ ФИКРИЧА, ҚУЙИ БЎҒИНЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БУГУНГИ КУНДАГИ ЭНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРДАНДИР**

**Зиёдулла МЎМИНОВ,**
«XXI asr»

Айни кунда вилоятимизда 11 минг 500 дан ортиқ партия аъзоси бўлиб, улар 586 та БПТга бирлашган ҳолда фаолият олиб бормоқда. Оҳангарон, Пискент, Янгийўл, Қибрай, Чиноз туманлари, Олмалиқ ва Бекобод шаҳар кенгашларида барча партиявий бўғинлар, жумладан, бошланғич ташкилотлар билан иш яхши йўлга қўйилган. Агар ана шу ҳудудлардаги фаолиятимизни таҳлил қилсак, маҳаллий кенгаш депутатларининг масъулиятни тўла ҳис этаётганлари, бошланғич ташкилотлардаги ишлар режали олиб борилаётганини кўрамиз. Энг муҳими, амалдаги қонунлар ижроси юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назорати яхши йўлга қўйилгани, O`zLiDeP фракцияси аъзолари билан ҳамкорлик кучайтирилаётгани яхши натижалар омили бўлаяпти. Буни ўтган олти ой давомида айни шу масалаларга бағишланган 57 та тадбир ўтказилгани билан ҳам изоҳлаш мумкин. Аммо барча туман ва шаҳарларда ҳам ана шундай натижаларга эриша олмаётганимиз бор гап. Масалан, Ангрен шаҳри, Қибрай ва Оққўрғон туман кенгашлари фаолияти хусусида ижобий фикр билдириш қийин.

Шу боис, мазкур ҳудудларда БПТ маслаҳатчиларини мунтазам ўқитиш, маълумот ва тажриба алмашиш тизимини йўлга қўйдик. Қолаверса жойларда ташкил этилаётган турли учрашув ва семинарларга маҳаллий кенгаш депутатлари жалб қилиниб, электорат манфаатига оид таклифлар атрофлича муҳокама этилаяпти.

Маълумки, ўтган ярим йил давомида 20 та округда вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига қайта сайловлар бўлиб ўтди. Унда энг кўп овоз олишга эришганлигимиз мавқеимизни янада яхшилаш имконини беради, албатта.

Шу ўринда паркентлик депутатлар томонидан «Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг жойлардаги ижроси атрофлича ўрганилиб, бу хусусда мансабдор шахсларнинг ахборотлари эшитилганини ҳам айтиш мумкин. Бундай тадбирлар эса сайловчи эътиборидан четда қолаётгани йўқ.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Парламентда менинг ўрним», «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба» лойиҳалари ҳам тадбиркорларга яқиндан ёрдам беришидан ташқари, ғоя ва мақсадларимизни кенгроқ тарғиб этиш имконини яратаяпти. Бу борада халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари Азамат Камолов, Баҳодир Содиқов, Мирраҳим Одиловнинг фаоллигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

**O`ZLIDEP УСТАВИДАН**

**БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ АҲОЛИНИНГ ТУРЛИ ҚАТЛАМИ ВАКИЛЛАРИ, ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР, ФЕРМЕРЛАР, МУЛКДОРЛАР СИНФИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА БОШҚА МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИГА ДОИМИЙ ТАРЗДА ТАҲЛИЛИЙ МАТЕРИАЛЛАР ВА ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМ ЭТИБ БОРИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЯДИ.**



**— «Ёшлар» ва «Аёллар қаноти» фаолиятидан қандай хулосалар чиқариш мумкин?**

— Менимча, O`zLiDeP вилоят кенгашининг энг фаол ва таъсирчан бўғинлари ҳам айнан ана шу тузилмалардир. Маълумки, вилоят гарчи саноати ривожланган ҳудуд ҳисобланса-да, бандлик, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашда ҳали фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжуд. Ана шундан келиб чиқиб, ўтган олти ойда «Аёллар» ва «Ёшлар» бўлими томонидан партиявий лойиҳалар асосида 120 га яқин тадбир ўтказилди. Очиқ мулоқотлар, давра суҳбатлари шаклида ўтказилаётган тадбирлар самараси ўлароқ, «Аёллар қаноти» кўмагида 50 дан ортиқ, «Ёшлар қаноти» кўмагида эса 30 дан зиёд иш ўрни ташкил этишга эришилди. Тўғри, бир қарашда бу катта кўрсаткич эмасдир. Аммо биз учун ёшлар ва аёллар онгидаги ўзгаришлар ва уларнинг ана шу ўзгаришларнинг иштирокчиларига айланаётгани муҳимдир.

Ана шундай натижаларга қарамай, баъзи қуйи бўғинларда ҳамон оқсоқликларга йўл қўйилаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, Бекобод шаҳри, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон, Зангиота туманлари кенгашларида мавжуд имкониятлардан фойдалана олинмаяпти. Шунинг учун ҳам мазкур ҳудудлардаги кенгашларни сон ва сифат жиҳатдан мустаҳкамлаш чораларини кўраяпмиз. БПТ етакчиларини сайлашда уларнинг тажрибаси, ғоявий-сиёсий иқтидори ҳисобга олинишига эътибор кучайтирилмоқда. Зеро қуйи бўғинлар жойларда сиёсий, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, партиянинг ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилиш, унинг дастурий вазифаларини амалга оширишда асосий таянч нуқтаси ҳисобланади.

Шундай экан, масъулиятни янада кучайтиришимиз, сайловчи ва электорат вакиллари ишончини қозониш учун барча куч ва имкониятлардан фойдаланишимиз лозим. Қолаверса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашида энг кўп депутатлик ўрнини эгаллаб турган O`zLiDeP учун иккинчи даражали масаланинг ўзи йўқ. Бу эса бизни йўл қўйилган хатолардан тўғри хулоса чиқариб, фаоллик билан иш олиб боришга ундайди.

# Асосий эътибор — амалий ишларга

**БУВАЙДА ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИДАГИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТДА 45 НАФАР ПАРТИЯ АЪЗОСИ БЎЛИБ, УЛАР «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШМОҚДА**

**Аҳроржон МУСУРМОНОВ,**
«XXI asr»

БПТ етакчиси Зарифахон Рўзматованинг таъкидлашича, ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда амалга ошираётган «Соғлом она — соғлом бола», «Соғлом ёшлар» лойиҳалари доирасидаги тадбирларда ҳам партия аъзолари фаол иштирок этаяптилар.

Дарҳақиқат, Феруза Ҳодибоева, Гулчеҳра Василова, Маҳбуба Олимова, Зиёда Ҳайдарзода касб-ҳунар коллежларида бўлиб, ўсмирларга тўғри овқатланиш, гигиена ва камқонликнинг олдини олиш бўйича маслаҳатлар бераяптилар. Айни пайтда партиянинг «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба» лойиҳалари борасида ҳам тадбирлар уюштиришаяпти. Халқ депутатлари туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи вакилларини ҳам БПТ тадбирларига тез-тез таклиф этиб маслаҳатлашадилар. Таъкидлаш ўринлики, депутатлик гуруҳи раҳбари Расулжон Юлдашев саъй-ҳаракати туфайли 5 нафар ногирон бола вилоят реабилитация марказида даволаниб қайтди.

БПТ аъзолари 2013 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун тузган иш режаларида истиқлолимизнинг 22 йиллиги муносабати билан туркум тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказишни белгилаб олганликлари диққатга лойиқ.

— Ёшлардаги шижоатни кўриб, мен ҳам яқинда партияга аъзо бўлдим, —дейди туман шифохонаси жарроҳи Бекмирза Ортиқов. — «Маънавият хонаси»даги Президент асарлари, партиянинг Дастури, Устави, Сайловолди дастури, турли адабиётлар, матбуот нашрлари тўпламлари нафақат бошланғич ташкилот аъзолари, балки бутун жамоамизнинг сиёсий билимларини оширишда муҳим манба бўлаяпти, уларнинг партияга қизиқиши ортаяпти. 150 нафар ҳамкасбимиз сафимизга қўшилиш истагини билдириб, ариза бердилар.

## БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ НАЗОРАТНИ ОБОДОНЧИЛИКДАН БОШЛАДИ

**Наим Турдиалиев Қарши шаҳрига рақамли фотография технологиясини олиб келган биринчи тадбиркорлардан. У айни пайтда «Феруза» савдо ва ишлаб чиқариш фирмасига етакчилик қилаяпти. Фирмада рўйхатдан ўтган бошланғич ташкилот эса 11 нафар партия аъзосини бирлаштирган. Яқинда БПТ аъзолари ташаббуси билан 4-кичик туман аҳолисини ичимлик сув билан таъминлашни янада яхшилаш, ободонлаштириш ишларини жонлантириш, хотин-қизларни касаначилик орқали ишга жойлаштириш масалалари муҳокама қилинди.**

**Унда Наим Турдиалиев, Муҳаммади Норқобилов, Азиз Пирназаров сўзга чиқиб, истиқлол байрамини кўтаринки руҳда кутиб олиш учун жойларда, энг аввало, ободонлаштириш ишларини кучайтириш зарурлигини таъкидладилар.**

**— Шаҳримизни янада гўзал масканга айлантириш учун уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолроқ ишлаши керак, — дейди БПТ етакчиси Н.Турдиалиев. — Бундан ташқари, шаҳар меъморий ёдгорлик маҳсулотларини асраб-авайлаш, меҳмонларга кўрсатилаётган сайёҳлик хизматларини янада замонавийлаштириб, давр талаблари даражасида ташкил этишимиз керак. Биз, масалан, ёдгорликлар ишлаб чиқарадиган кичик цех ташкил этиб, бу жараёнга ҳисса қўшмоқчимиз.**

**Бошланғич ташкилот аъзолари аҳоли ўртасида кенг кўламда тарғибот ишларини ҳам олиб бормоқдалар.**

Сайфулла ИКРОМОВ.




XXI ASR

ижтимоий-сиёсий газетасига

ОБУНА бўлинг!

*Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80*

# Партиявий лойиҳалар ҳам аёллар учун

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ТОМОНИДАН БЕШ МИНГДАН ЗИЁД ТАДБИРКОРЛИК ТУЗИЛМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИ, ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ЭСА 20 МИНГГА ЯҚИН АЁЛ ЎЗ ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИГА ЭГАЛИГИ ТАЪКИДЛАНМОҚДА



**Зиёдулла МЎМИНОВ,**
«XXI asr»

— Ҳақиқатан ҳам яратиб берилган қулай шарт-шароитлар туфайли вилоятимизда хотин-қизлар тадбиркорлиги изчил ривожланмоқда, — дейди O`zLiDeP Тошкент вилояти кенгаши раисининг аёллар масаласи бўйича ўринбосари Муяссар Жамолиддинова. — Масалан, ангренлик Шоҳистахон Мадиярова «Шаҳлия» тикувчилик корхонасини уч нафар хотин-қиз билан ташкил этган бўлса, бугун корхонада 20 дан ортиқ аёл иш олиб бораяпти.

Ўртачирчиқлик Хайринисо Хамилова ҳам салкам 15 йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланиб келади. У етакчилик қилаётган «Турғунбой қизи» МЧЖда 15 нафардан ортиқ йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Аёлларимиз энди тадбиркорликни бошлаётган ёшларга ҳам ҳар томонлама кўмак беришмоқда. Масалан, Шоҳиста Мадиярова ангренлик ёш тадбиркор Шаҳодат Ортиқовага банкдан 50 миллион сўм кредит олишда амалий ёрдам кўрсатди. Бу билан 10 кишига мўлжалланган яна бир корхона ташкил этилди.

Бундан 20 йил аввал вилоятда тадбиркор хотин-қизлар сони 100 нафарни ташкил этган бўлса, бугун улар сони 5 мингдан ошди. Улар орасида оилавий тадбиркорлик ёки йирик саноат корхоналари билан шартнома асосида касаначиликни йўлга қўйган юзлаб аёл ҳам бор.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган «Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага» лойиҳаси доирасида ўтказилган навбатдаги акцияда ҳам аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама этилди. Ўтган йили 300 нафарга яқин аёл жами 2 миллиард сўмдан ортиқ кредит олган бўлса, улар орасида партияга хайрихоҳ бўлган хотин-қизлар кўпчиликни ташкил этади.

Ушбу лойиҳа доирасидаги ўқув семинарлардан навбатдагиси яқинда Ўртачирчиқ туманида ташкил этилди. Анжуманда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Муҳаббат Тўхтаева сўзга чиқиб, мамлакатимизда тадбиркорларга, хусусан, ишбилармон аёлларга яратиб берилаётган имкониятлар, улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўплаб хорижий давлатларга экспорт қилинаётгани, ҳар йили аёллар томонидан ишга туширилаётган корхоналарда юзлаб хотин-қизлар иш билан таъминланаётганига тўхталдилар. Семинарда тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш билан бирга, мустақиллик йилларида тадбиркорларга яратиб берилган имтиёз ва имкониятларни алоҳида эътироф этишди.

Хўш, ўтказилаётган ана шундай тадбирлар вилоятда қандай натижалар беряпти?

Партия фаолларининг таъкидлашича, қаерда, қачон, қандай тадбир ўтказилаётган бўлса, бирортаси изсиз кетмаяпти. Вилоятнинг чекка ҳудудларидаги аёлларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, бандлик муаммоларини бартараф этиш бўйича бизнес-режа тузиш хусусида кенг ахборотлар тарқатилмоқда. Шунинг учун ҳам «Аёллар қаноти» атрофидаги фаол хотин-қизлар сони ортиб бормоқда. Бугун уларнинг меҳнат қилаётган корхона, жамоа, маҳалла, оиласида ўз ўрни бор. Хотин-қизларимизга яратилаётган бундай эътибор эса уларни бугун кечагидан, эртага бугунгидан-да фаолроқ бўлишга ундамоқда.

**БУНДАН 20 ЙИЛ АВВАЛ ВИЛОЯТДА ТАДБИРКОР ХОТИН-ҚИЗЛАР СОНИ 100 НАФАРНИ ТАШКИЛ ЭТГАН БЎЛСА, БУГУН УЛАР СОНИ БЕШ МИНГДАН ОШДИ.**

## «ҚИЗИЛҚУМБАЛИҚ»НИНГ ТЎЙЁНАСИ 70 ТОННА

**Навоий шаҳри аҳолисини балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан таъминлашга ихтисослашган «Қизилкумбалик» давлат унитар корхонасида 2012 йили 12 тонна маҳсулот етиштирилган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 36 тоннадан ошди.**
**— Бунга фермер хўжаликлари билан келишган ҳолда сув ҳавзаси умумий киймати 23 миллион сўмликдан зиёд чавакчалар билан тўлдирилгани асосий омил бўлди, — дейди корхона раҳбари Зокиржон Исломов. — Қўшимча иш ўринлари ва ишчи-хизматчилар маошининг оширилгани ҳам яхши самара берди.**
**З.Исломовнинг таъкидлашича, ҳали корхонада ишга солинмаган имкониятлар кўп. Хусусан, корхона тасарруфида 6600 тонна сиғимли музлаткич, махсус жиҳозларга эга кайта ишлаш цехи, деҳқон бозорларида тирик балиқ ва балиқ маҳсулотлари сотишга мўлжалланган 3 та савдо дўкони, рефрежератор автомашиналари бўлиб, уларни тўла кувват билан ишлатиш ҳамда тозаланган ярим тайёр балиқ етказиб бериш баробарида тузланган ва дудланган маҳсулотлар ишлаб чикаришни кўпайтириш мумкин.**
**Бир сўз билан айтганда, жамоа аъзолари «Обод турмуш йили»да эл дастурхонига ўтган йилдагидан салкам олти баробар кўп – 70 тонна парҳезбоп маҳсулот етказиб бериш билан Мустакиллигимизнинг 22 йиллик тўйига муносиб тўёна тайёрламокчилар.**

Мансур АСЛОНОВ.

## O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

**СИРДАРЁ.** O`zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши ҳузуридаги «Сиёсий таълим маркази» «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида бошланғич партия ташкилотлари етакчилари учун «Мустақиллик – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили» мавзуида туркум ўқув семинарлар ўтказмоқда.

— Айни пайтда истиқлол йиллари босиб ўтган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни холисона сарҳисоб қилиб, бугунги натижаларга қандай эришганимизни яна бир бор қиёсан кўриб чиқиш, ҳаммамиз, айниқса, ёшлар учун ниҳоятда фойдалидир, — дейди халқ депутатлари Бахт шаҳар кенгаши депутати Саноат Саъдиева. — «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ташкил этаётган партиявий тадбирларимиз ана шу мақсадга қаратилган.

— «Баҳор» маҳалласида ҳам байрам ўзгача шукуҳ билан кутиб олинмоқда, — дейди Бахт шаҳрининг «Баҳор» маҳалласида иш олиб бораётган БПТ раиси Рустам Имомов.— Ҳар бир маҳалладошимиз ўзгариш ва янгиланишларни ўз ҳаёти мисолида ҳис этаяпти. Энг муҳими эса ана шу жараёнда бевосита қатнашаяпти.

Семинарларда «Ёшлар қаноти» аъзолари айниқса фаол иштирок этмоқдалар. Улар мустақиллик ўзларига кенг имкониятлар яратгани, истиқлол йилларида ҳур ва озод янги авлод вужудга келгани, уларнинг фикрлаши, интилиш ва изланишлари ҳам ўзгача экани тўғрисида тўлқинланиб гапирмоқдалар. Тадбирларда «Ўзбекистон дея аталур» ҳамда «Менинг мамлакатим» номли альбомлар тақдимотлари ҳам ўтказилмоқда.

**САМАРҚАНД.** O`zLiDeP Қўшработ туман кенгаши туман маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда «Ёшлар мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида» мавзуида амалий учрашув ташкил этди. Унда O`zLiDePнинг ёшларга оид лойиҳаларининг аҳамияти ҳақида сўз борди.

— Жорий йилда «Ишбилармон талаба», «Диплом билан — бизнесга» каби лойиҳаларимизга туманнинг энг чекка қишлоқларидаги коллежлар талабалари ҳам кенг жалб этилди, — дейди халқ депутатлари туман кенгаши депутати Алишер Очилов. — Қатнашчилардан 20 нафари банклардан имтиёзли кредитлар олиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйдилар. Уларнинг ҳар бирига депутатлик гуруҳи аъзолари бириктирилиб, ҳар томонлама кўмак берилмоқда.

А.Очиловнинг фикрича, ёшлар бандлигини таъминлаш, улар учун янги иш ўринлари яратиш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилаётир. Шу боис. аксар лойиҳа ва акциялар ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларнинг бизнес йўналишидаги ташаббус ва изланишларини рағбатлантиришга қаратилган.

Учрашувда сўзга чиққан «Камолот» ЁИҲ туман бўлими раҳбари Халил Жалолов мамлакатимизда ёшлар учун, тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилган бир шароитда партия кенгашларининг ёшлар бўлимлари йигит-қизларнинг яқин ёрдамчиси ва маслаҳатгўйига айланаётганини таъкидлади.

Ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий фаоллигини янада ошириш. уларнинг тадбиркорлик ва илм олиш йўлидаги ташаббус ва изланишларини кенг қўллаб-қувватлаш каби мавзуларда ҳам фикр алмашилди.

## ВОЛГОГРАДГА КИМ УЧМОҚЧИ?

**«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Тошкент-Волгоград йўналиши бўйича доимий катновлар йўлга кўйилишини эълон килди.**
**Компания матбуот хизматининг хабар беришича, мазкур рейслар жорий йилнинг 18 сентябридан ҳафтада бир марта, чоршанба кунлари A320 русумидаги ҳаво лайнерларида амалга оширилади.**
**Эътиборлиси, МАК кейинчалик ушбу йўналишдаги парвозлар сонини кўпайтириб, рейслар мунтазамлигини ҳафтада икки мартагача етказишни режалаштирмокда.**




## Хабарлар

### ЭГАМҚУЛОВДАН ЎРГАНИШ КЕРАК

**Ховос туманидаги «Nurnaslchorva» МЧЖ раҳбари Қодиркул Эгамкулов ўз бизнесини 2007 йилда 19 бош зотли ғунажин билан бошлаган бўлса, бугунги кунда улар сони 2590 бошдан ошди.**
**Шу ўринда кейинги икки йилда МЧЖ томонидан бошқа хўжаликлар ва аҳолига 60 бошдан зиёд зотли сигирлар етказиб берилганини таъкидлаш керак.**
**— Чорвачиликда наслни яхшиламай туриб, катта ютукка эришиб бўлмайди, — дейди Қ.Эгамкулов. — Асосий эътиборни ана шу жиҳатларга каратганимиз учун ҳам 298 миллион сўмлик кредитни кийналмай кайтардик. Олинган даромад ҳисобидан эса 4 та трактор, шунингдек, ташиш, юклаш ва ўриш агрегатлари сотиб олдик. Натижада корхонамизда 30 та янги иш ўрни яратилди.**
**Тиниб-тинчимас тадбиркор якинда сутни кайта ишлайдиган мини завод куриш максадида «Агробанк»нинг Боёвут филиалидан 270 миллион сўм кредит олди. Бундан ташқари, ўз даромадини кўпайтириш ниятида янги озуқа цехини ишга тушириш ҳамда табиий ўтлар ва ўғитдан биогаз олишни режалаштиряпти.**

Ш.Хўжаев тайёрлади.



## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!




Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

### «PARK TURON» ЎРНИДА «RAMADA TASHKENT»

**«Park Turon» деб юритилган меҳмонхона энди «Ramada Tashkent» номи билан фаолият кўрсатадиган бўлди.**
**Гап шундаки, мехмонхона хизмати кўрсатувчи дунёнинг йирик компанияларидан бири — «Wyndham Hotel Group» пойтахтимиздаги илк объектини ишга туширди.**
**Компания сайтига жойлаштирилган хабарларда кайд этилишича, шаҳарнинг «яшил белбоғ» ҳудудида жойлашган ягона беш юлдузли мехмонхона ишини юрита бошлаган «Wyndham Hotel Group» шу тариқа мамлакатимизнинг доимо меҳмонлари гавжум бўлган пойтахтига кириб боришнинг энг мақбул йўлини танлаган.**
**Бундан ташқари, хабарда 120 хонадан иборат «Ramada Tashkent»да мижозлар учун бизнес-марказ, фитнес-клуб, усти ёпик чўмилиш ҳавзаси ҳамда СПА салонида бепул хизмат кўрсатилиши, меҳмонхонада ҳинд, итальян ва миллий таомларни таклиф килувчи кахвахона, шаркона усулда безатилган бар, шунингдек, 150 кишилик анжуман ва банкетлар зали борлиги қайд этилган.**

### ЗАМОНАВИЙ УСКУНА ФОЙДАЛИ

**Ангренлик Раҳмон Давлатов ўн йилдан ортиқ вакт мобайнида нон маҳсулотларини ишлаб чикариш билан шуғулланади.**
**Тошкент вилояти ҳокимлиги ахборот хизматидан хабар қилинишича, ўз олдига ҳамшаҳарлари дастурхонини азиз неъмат билан тўлдиришни максад килган тадбиркор бу ишни 2001 йилда «Ором-нон» хусусий фирмаси ташкил этиш билан бошлаган эди.**
**Якинда Германиядан «Wachtel» компанияси ускунларини олиб келган Р.Давлатов корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини бир неча баробар оширишга эришди.**
**— Дарҳакикат, иш унумдорлиги кўп жиҳатдан замонавий ускуналарга боғлик экан, — дейди фирма раҳбари. — Хусусан, илгари бир кунда 1-1,5 тонна маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, ҳар бири 110 минг евро турадиган иккита линия келтирилгач, бу кўрсаткич 6 тоннага етди. Бугунги кунда 4,5 тонна қолипли нон ҳамда 1,5 тонна турли хилдаги булочкалар шаҳар дўконлари, мактаб, боғча ва шифохоналарга етказиб беріляпти. Иш уч сменада ташкил этилганидан сўнг корхонамизда 10 та янги иш ўрни ҳам ташкил этилди.**

## Реклама

ASAKA BANK

Ҳурматли юртдошлар!
«АСАКА» БАНК ОАЖ жамоаси

Ўзбекистон аҳолисини Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«МУСТАҚИЛЛИК-2013»
Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилгандан (12 ой ) сўнг берилади.
Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

«Асака» банк ОАЖ — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!
Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади!

«Асака» банк ОАЖ филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Коди | Телефонлар |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилояти филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- микдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган!

# «ШЎРТАННЕФТГАЗ»

## унитар шўъба корхонаси жамоаси



**Ўзбекистоннинг меҳнатсевар,
бағрикенг, меҳмондўст,
бунёдкор халқини энг улуғ,
энг азиз байрам —
Ватанимиз Мустақиллигининг
22 йиллик шодиёнаси
билан самимий муборакбод этади.
Барчангизга бахт, соғлиқ,
хонадонингизга
тинчлик-хотиржамлик ва
осойишталик, ишларингизда
омад ёр бўлишини тилаймиз.
Эркимиз, шону шавкатимиз
боқий бўлсин, азизлар!**







Реклама











Солих ЗОИР олган сурат

# Озод юртнинг обод оиласи

**«Барака ўзаро аҳиллик ва тотувликдадир», дейишади кўпни кўрган нуронийларимиз. Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Пахтакор» маҳалласида истиқомат қилувчи Равшан Отаметов хонадонида бўлганимизда бунга тўла ишонч ҳосил қилдик. Зеро ўзбекона урф-одат ва қадриятларга қатъий амал қилинаётган оилада ҳамма нарса бисёр, дастурхон эса ноз-неъматлар билан тўлган. Хонадоннинг ҳар бир вакили мустақиллик берган имкониятлардан фойдаланган ҳолда шахсий ҳаётда, ўқишда ва ишда катта ютуқларга эришаётир.**

**30 йилдан ортиқ вақт мобайнида ҳалол меҳнат қилиб, ён-атрофдагилар ҳурматини қозонган Равшан ака дастлаб «Пахтакор» маҳалласи раиси муовини этиб сайланган бўлса, 2003 йилдан фуқаролар йиғини раиси вазифасида ишлаб келмоқда.**

**Оила бекаси, узоқ йиллар давомида мактабгача таълим муассасаларида меҳнат қилган Марғуба опа билан тўрт нафар ўғил-қизни одоб-ахлоқли, меҳнатни қадрлайдиган одамлар этиб тарбиялаган, 11 нафар невара ардоғида ҳаёт гаштини сураётган Равшан ака айни кунда ҳам маҳалла ободлиги ва тинчлиги йўлида бор куч-ғайратини сарфлаб, тўй-маъракаларга бош-қош бўлиб, одамлар оғирини енгил қилиб келаётир.**

# ХАБАРЛАР

## АДҲАМ ҲАСАНОВ ГИННЕСГА КИРМОҚЧИ

**63 ёшли Адҳам Ҳасанов бутун Ўзбекистонни пиёда босиб ўтишга муваффақ бўлди.**

**«Адолат кўзгуси» газетасидан олинган хабарга кўра, шижоати баланд пенсионер жами 5500 километрга тенг масофани 87 кунда босиб ўтган.**

**Хусусан, дастлаб Тошкент-Наманган-Фарғона йўналиши бўйича ҳаракатланган отахон 500 чақиримли йўлга 17 кун сарфлаган бўлса, кўп ўтмай пойтахтда бошланиб, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари бўйлаб давом этган 1200 километрли саёҳати учун 29 кун кетди. Юртимиз бўйлаб уюштирилган сафарнинг учинчи қисми — Бухоро ва Нукус шаҳарлари орасидаги тахминан 1350 километрга тенг масофа эса 41 кунда босиб ўтилган.**

**Таъкидлаш жоиз: яқин келажакда Гиннеснинг «Рекордлар китоби»дан ўрин олишни орзу қилаётган А.Ҳасанов ҳар гал сафарга отланишдан аввал ўша минтақани ўрганиб, иқлими, эътиборга молик жойлари, шунингдек, саёҳат давомида йўлда учраши мумкин бўлган ёввойи ҳайвонлар ҳақида ҳам маълумот тўплашга интилади.**

Шухрат ХЎЖАЕВ тайёрлади.




Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, **22-29** август кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ёғингарчилик кутилмайди. Шамол шарқдан **7-12** м/с тезликда эсади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси **17-22**, кундузи **31-36** даража иссиқ бўлади. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳарорат кечаси **18-23**, кундузи **33-38** даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси **19-24**, кундузи **34-39** даража иссиқ бўлади. Республикамизнинг Шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида шамол шарқдан **5-10** м/с тезликда эсади. Термометр кўрсаткичлари **17-22**, кундузи **32-37** даража иссиқ бўлишини кўрсатмоқда. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда ҳарорат кечаси **18-23**, кундузи **33-38** даража иссиқ бўлади. Тоғли ҳудудларда ҳарорат кечаси **13-18** даража илиқ, кундузи **23-28** даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.




## «COCA-COLA» ЭНДИ МУЗЛАДИ

**Ҳозирча фақат Колумбияда махсус идишлар ишлаб чиқариш учун силикон қолиплар сув билан тўлдирилиб, Цельсий бўйича 25 даража ҳароратда музлатилаяпти. Ундан сўнг муз идишларга яхна ичимлик қуйилмоқда. Маълумотларга кўра, антиқа идиш тез эриб кетмаслиги, шунингдек, истеъмолчиларнинг бармоқлари музлаб қолмаслиги учун муз идишли «Coca-Cola»га компания логотипи туширилган каучукли тасмани қўшиб бериш йўлга қўйилган. Эътиборлиси, ўзига хос муз идишлар Колумбия пляжларида тобора оммавийлашиб бораётган бўлса-да, баъзи мутахассислар мазкур лойиҳага эътироз билдиряптилар. Хусусан, уларнинг фикрича, бундай идишларни ишлаб чиқариш, сақлаш ҳамда жойларга етказиш қўшимча сарф-харажат талаб этади. Бундан ташқари экологлар бир марталик идишларни узоқ вақт давомида ишлаб чиқариш сув тақчиллигини келтириб чиқариши мумкинлигини ҳам таъкидлаётирлар.**

Равшан ХАЙДАРОВ тайёрлади.

Реклама




Реклама




XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шуҳрат НОРГИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Носир ТОШЕВ, Ориф ЎЛМАСОВ, Янгибой ҚЎЧҚОРОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ.
БЎЛИМЛАР: Котибият 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215 60 45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254 03 79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215 60 45, 255 68 50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 7875. Тираж: 16524
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди 20:00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
Н.ТОШЕВ, Р.ҲАЙДАРОВ.